

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ ШАРТНОМАСИ № 9

2022 й. «20» 9

463-13-194-ХТ/2022-  
сон

Бўстон ш.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Элликкаля тумани ХТБ номидан Низомни асосида иш кўрувчи А.Нурибетов бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган Исламбай Рейимов МЧЖ номидан устав асосида иш кўрувчи И.Рейимов иккинчи томондан, ХТБга қарашли 67-сон мактабини жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш ва объектни фойдаланишга тайёрхолда қуришга доир пудрат шартномасини туздилар.

### I. ТАРИФЛАР

1. Мазкур шарномада куйидаги тарифлар кўлланилади:

**ижро ҳужжатлари** – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлик тўғрисида ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитилган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

**қурилиш майдони**- мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича “Буюртмачи” томонидан “Пудратчига” берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**вақтинчалик иншоотлар**- пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиш**- ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлар қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II- ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шарнома шартларига ХТБга қарашли 67-сон мактабини жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш ва лойиҳада кўзда тутилган объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III- ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган танлов савдоси (танлов) натижасида аниқланган танлов комиссиясининг қарори (2022 йил «13» сентябрдаги лот 145847-сонли байённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмалар, ҚҚС 15% 29 256 521.73 (йигирма тўққиз миллион икки юз эллик олти минг беш юз йигирма бир) сўм 73 тийинни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 224 300 000 (икки юз йигирма тўрт миллион үч юз минг) сўмни ташкил этади.

4.Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳолларда бундан мустасно:

Қурилиш қийматини қўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

Ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

Объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда;

5.Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6.Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### **IV- ПУДРАТЧИ МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

7.Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II- бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

Барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

Қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачининг пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш; Қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, утказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

Қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

Қурилиш майдонини қўриқланишини таъминлаш;

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8.Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ўз кучлари ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

#### **V.БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

9.Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага, иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда қўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

Молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 2-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатларини рўйхатини тақдим этиш;

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

## **VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ**

10.Шартнома:

миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар уни имзолаган пайдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради;

11.Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12.Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 60 кунни ташкил этади.

13.Мазкур шартнома бўйича ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

## **VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР**

14.Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий кийматининг 30% миқдорида аванс ўтказади,бу 67 290 000.00 (олтмиш етти миллион икки юз тўқсон минг) сўм 00 тийинни ташкил этади, қолган 70% яъни 157 010 000.00 (бир юз эллик етти миллион ўн минг) сўм 00 тийин маблағ эса объектни молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвалига асосан олиб борилади.

## **VIII. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МОЖОР) ҲОЛАТЛАРИ**

16. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажарилмаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

17.Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

18.Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## **IX. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ**

19.Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасигача амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин шунингдек,қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

20.Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

21.Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Пудратчи томонидан белгиланган тартибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради.Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиклаши керак.

22. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## **X. КАФОЛАТЛАР**

23. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқхажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларини кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини, ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

## **XI. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКҲАВОНДАРИЛИГИ**

24. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50% дан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5% миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50% дан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

25. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилиш назорат» инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0,5% миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

26. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

27. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларидан озод қилмайди.

28. Етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50% фозидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

## **XII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

29. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек, етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

## **XIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ ШАРТЛАРИ.**

30. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан

қуйидагиларни кафолатлайди: қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини; шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини; моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз олинмаганлигини.

31. Тарафлар улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

32. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар юқоридаги мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйик ўтказилмаслигини кафолатлайди.

33. Шартноманинг тарафи ва у томонидан жалб қилинган шахслар (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахслар) томонидан коррупсияга қарши қўшимча шартларга риоя этилмаганда, иккинчи тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли бўлади

#### XIV. АЛОҲИДА ШАРТЛАР.

34. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.




35. Ушбу шартнома туман “Ғазначилик” бўлинмасида рўйхатдан ўтган кундан бошлаб, **2022 йил 31 декабргача** ўз кучида қолади.

36. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

37. Шартномага киритилмаган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар томонларнинг ёзма келишуви асосида талабларнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган ҳужжат асосида бўлади.

38. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган (3 нусхада) тузилди.

#### XV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ :

«БУЮРТМАЧИ»	«ПУДРАТЧИ»
Элликқалъа туман ХТБ 67 мактаб	ISLAMBAY REIMOV МЧЖ
Манзил: Бустон ш Тел./факс 585 32 19	Манзили: Элликқалъа тумани
ш/х*100 022 860 352 507 092 100 075 102	Тел факс 97-059-95-00
бюджетдан маблағ олувчи	х/р:2020 8000 5050 5500 4001
СТИРи 200 914 240 ОКОНХ 97 600	Банк номи: Халк банк Элликқалъа ф.
Ғазначилик бўлинмаси номи	ИНН:306 325 129 МФО: 00646
Элликқалъа Ғазначилик бўлинмаси	ОКОНХ:
Ғазна х/в 23 402 000 300 100 001 010	
Банкнинг номи МБТшББ МФО 00014	
ғазначили  2и 201 122 919	
Раҳбари:  А.Нуримбетов	Раҳбари:  И. Райимов

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING  
QONUNCHILIKKA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

**1.Loyihaning turi: Shartnoma**

**2.Loyihaning nomi: Pudrat shartnomasi**

Ellikqal'a tuman xalq ta'limi bo'limi nomidan Ustav asosida ish ko'ruvchi A.Nurimbetov bir tomondan va keyingi o'rinlarda «Pudratchi» deb yuritiladigan "Исламбай Рейимов" MCHJ nomidan ustav asosida ish ko'ruvchi I.Reyimov ikkinchi tomondan, XTBga qarashli 67-son maktabini joriy ta'mirlash ishlarini olib borish va obektni foydalanishga tayyor holda qurishga doir pudrat shartnomasi loyihasi to'g'risida.

**3.Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:**

Ellikqal'a tumani xalq ta'limi bo'limi tomonidan 2022-yil 16-sentabrda ishlab chiqqan va dasturga 2022-yil 16-sentabrda kiritilgan. Shartnoma loyihasiga "Исламбай Рейимов" MCHJning guvoxonmasi va tanlov komissiyasining 2022-yil 13-sentabrdagi lot 145847-sonli bayonnomasi ilova qilingan.

**4.Loyiha bo'yicha taklif va e'tirozlar:**

Mazkur shartnoma bo'yicha Pudratchi tomonidan bajarilgan tanlov savdosi (tanlov) natijasida aniqlangan tanlov komissiyasining qarori (2022 yil 13-sentabrdagi lot 145847-sonli bayonnoma) bilan tasdiqlangan ishlar qiymati barcha soliqlar, yig'imlar va ajratmalar, **QQS 15% 29 256 521.73 (yigirma to'qqiz million ikki yuz ellik olti ming besh yuz yigirma bir)** so'm 73 tiyinni o'z ichiga olgan holda joriy narxlarda **224 300 000 (ikki yuz yigirma to'rt million uch yuz ming)** so'mni tashkil etishi belgilangan.

Mazkur shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasi 1998 yil 29-avgustdagi «**Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'grisida**»gi O'RQ-670-1-son qonuni, O'zbekiston Respublikasi 2021-yil 22 apreldagi "**Davlat xaridlari to'grisida**»gi O'RQ-684-sonli qonuni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 27-sentabrdagi "**Davlat xaridlari to'grisida**»gi qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari to'grisida»gi PQ-3953-son qarori va O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 14 sentyabrdagi "**Shartnomaviy munosabatlarni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'grisida**»gi PF-6313-sonli farmoniga asoslangan va Ushbu shartnomaga 2022 yil 03-avgust kuni ijobiy xulosa berilgan.

Ellikqal'a tumani xalq ta'limi bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan shartnoma loyihasini qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz boshlig'i:



A.Kadirov

20.09.2022-yil



“ТАСДИКЛАЙМАН”  
Элликқалъа тумани ҳалқ таълими  
бўлими мудири  
А.Нуримбетов

20 сентябрь 2022 йил

Товар-материал захираларни ҳамда ишларни (хизматларни) сотиб олиш бўйича  
энг яхши таклифларни танлаб олиш бўйича ўтказилган танлаш комиссиясининг  
6 -сонли мажлис баённомаси

Бўстон шаҳри

2022-йил « 20 » сентябрь

соат \_10\_ : \_00\_

Комиссия раиси

Нуримбетов Ахмаджан Ниязимбетович  
(Ф.И.Ш)

Халқ таълими бўлими мудири  
Лавозими

Комиссия аъзолари

Ҳакимов Наҳраман Қаримович  
(Ф.И.Ш)

Халқ таълими бўлими эксплуатация бўлими бошлиғи  
Лавозими

Бекчанов Ядгор Махсудович  
(Ф.И.Ш)

Халқ таълими бўлими бош ҳисобчиси  
Лавозими

Арзиев Худайшукур Раззақович  
(Ф.И.Ш)

Халқ таълими бўлими таъминотчиси  
Лавозими

Юсупов Фарход Севинбаевич  
(Ф.И.Ш)

Халқ таълими бўлими мудар ўринбасари  
Лавозими

Салаев Давронбек Атаханович  
(Ф.И.Ш)

Халқ таълими бўлими шартнома бўлим ҳисобчиси  
Лавозими

**КУН ТАРТИБИ:**

танлаш комиссияси котиби танлаш комиссиясига куйидаги маълумотларни берди:

Ушбу энг яхши таклифни танлаб олиш халқ таълими бўлимининг бюджет маблағлар ҳисобидан 67-сон мактаб биносини жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги низомининг (текстда кейинги ўринларда - Низоми) 58-моддасига мувофиқ энг яхши таклифни танлаб олиш ўтказилиши ҳақидаги порталида (<http://dxarid.uzex.uz/>) эълон танлаш қатнашувчиларининг қабул қилиш мuddати якунига 5 (беш) ишкўни олдин давлат буюртмачиси томонидан шахсий кабинет орқали 2022 йил 13 сентябрь кўни 145847-сонли лот жойлаштирилди. Шундан, энг яхши таклифларни олиш ўтказилишидаги эълон (<http://xarid.uzex.uz/>) сайтинда жойлаштирилди.

Танлаб олиш бошланғич сўммаси: **224 629 756,00** сўм

Шу мuddатларда ўзининг тижорат таклифларини куйидаги қатнашувчилар топширди:

Таклифларни баҳолаш

(сўмда)

№	Товар (иш, хизмат) номи	танлашнинг бошланғич сўммаси:	Қатнашувчиларнинг тижорат таклиф сўммаси		
			«Islambay Reimov» мчж	ООО NATIONAL HOUSE	
1.	Муассаса биносини кичик таъмирлаш ишларини олиб бориш	224 629 756,00	224 300 000,00	224 500 000,00	
<b>ЖАМИ:</b>			<b>224 300 000,00</b>	<b>224 500 000,00</b>	<b>0,00</b>

Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари ҳақида”ги Низоми талабларига ҳамда юқорида кўрсатилган маълумотларни ҳисобга олиб танлаш комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

- «Islambay Reimov» мчж 67-сон мактаб жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш бўйича ўтказилган танлашда (ҚҚС билан бирга) танлаш голиби деб топилсин.
- Ғолиб танлаш шартлари асосида шартнома тузишдан бош тортган тақдирда шартнома тузиш ҳуқуқи кейинги қатнашувчига (резерв) ўтиб, кейинги корхонаси белгилансин. Бунда ғолиб қатнашувчи таклиф қилган сўммасидан ошмаган миқдорда шартнома тузиш мўмкинлиги белгилаб қўйилсин.
- Низоми талабларига мувофиқ танлаш қатнашчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ҳам баҳолаш мuddати таклифлар бериш кўни тўғашидан 10 (ўн) иш кўнидан охиб кетиши мўмкин эмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.
- Халқ таълими бўлимининг бош ҳисобчиси Бекчанов Ядгор Махсудович танлаш якуни бўйича расмийлаштирилган баённомани давлат харидлари порталига муҳокама учун 2 (икки) иш кўнига жойлаштириш топширилсин.
- Танлаш комиссияси котиби ушбу танлашга тегишли барча ҳужжатларни белгиланган тартибда сақлаш таъминлансин. Халқ таълими бўлими бош ҳисобчиси Бекчанов Ядгор Махсудовичга ушбу 2 (икки) иш кўни ичида 67-сон мактаб жорий таъмирлаш ишлари учун қатнашувчилари томонидан ўтказилган танлаш натижалари бўйича бошқа пудратчи ташкилотлардан эътирозлар келиб тушмади, ғолиб ташкилот «Islambay Reimov» мчж деб топилди ва шу корхона билан шартнома тузилсин.

Комиссия раиси

А.Нуримбетов  
(имзо)

Нуримбетов Ахмаджан Ниязимбетович  
(Ф.И.Ш)

Комиссия аъзолари

Ҳ.Ҳакимов  
(имзо)

Ҳакимов Наҳраман Қаримович  
(Ф.И.Ш)

Ю.Юсупов  
(имзо)

Юсупов Фарход Севинбаевич  
(Ф.И.Ш)

Я.Бекчанов  
(имзо)

Бекчанов Ядгор Махсудович  
(Ф.И.Ш)

Д.Салаев  
(имзо)

Салаев Давронбек Атаханович  
(Ф.И.Ш)